

Шеър сеҳрига меҳр

Ўз умрини, ҳаёт мазмунини шеъриятсиз тассаввур қилолмайдиган адиблар бўлади. Улар қалб малҳами, дил дардларини ифодаловчи восита, бадиий қурол сифатида шеъриятни эъзозлайди. Ўз туйғуларини, чизгилари ва сезгиларини Ватан қадри халқ дарди билан боғлаб ақл чиғириғидан ўтказиб қоғоз юзига туширишади.



Ана шундай хассос, адиблардан бири халқ шоири ва қаҳрамони Абдулла Ориповдир. Шоир ижодиётини кузатаркансиз, фалсафийликка йўғрилган нафосатни сезасиз. Унинг ижодиётига оид жуда кўп илмий рисола ва монография яратилиши шубҳасиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов айтганидек, “Абдулла Орипов феномени ҳали охиригача англанмаган тимсолдир”. ТИҚХММИда улуғ адиб Абдулла Орипов ижодига бағишиланган “ЖОНАЖКОНИМ, ШЕЪРИЯТ!” номли руқнда иқтидорли ёзувчи, журналист Абдусаид Кўчимовнинг шоир ҳақидаги “Мен шоирман, истасангиз шу...” деб номланган китобининг онлайн тақдимоти бўлиб ўтди.



Институт проректори Рузимурат Чориев тадбирни кириш сўzlари билан очгач, Республика олий таълим кенгashi раиси, институт ректори, профессор, Умурзаков Ўқтам Пардаевичга сўз берди. Улар институтда Абдулла Орипов ижодини оммалаштириш борасида қилинаётган турли йўсингидаги ишлар ва шоир номидаги маҳсус стипендия ҳамда кўкрак нишони таъсис этилганини фахр билан таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, тақдимот этилаётган китобнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб иштирокчи меҳмонларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирилар.



Унда китоб муалифи таниқли ёзувчи ва публицист, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг бош директори Абдусаид Кўчимов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, “Ўзбеккино” миллий агентлиги раҳбарининг биринчи ўринбосари, Шухрат Ризаев ҳамда шоирнинг қизи, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Шоира Орипова, ТИҚХММИ Қарши филиалининг раҳбари ва профессор ўқитувчилари ҳамда Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этишди. Абдусаид Кўчимов “Мен шоирман, истасангиз шу...” деб номланган хотира китобининг яратилиши билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтди. Сўздаги сеҳрни ва шеърдаги ҳикматни англаған адибнинг асаллари мангултика муҳрланган.



Шухрат Ризаев эса шоирнинг ижодиётида фалсафийлик нафосатнинг уйғунлиги мавзусида сўз юритдилар. Шоирнинг қизлари Шоира Орипова отаси ҳақидаги хотиротлари билан ўртоқлашди. Сўнгра Абдулла Орипов номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси Севинч Омонова, ТИҚХММИ “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг талабаси Дилноза Жабборова, “Гидромелиорация” факультети талабаси Соҳиба Имомомалиевалар ўзларининг ҳамда шоир шеърларидан намуналар ўқишиди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати